РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Йўлдошев Шоҳруҳ Бобораҳим ўғли

Тошкент молия институти мустақил изланувчиси

Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштириш масаласи ҳаётий зарурият экан уни таъминлашнинг самарали йўлларини ҳамда истиқболларини илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан диссертацион тадқиқотимиз якунловчи бобида изланиш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- натижага йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар шароитида корхоналар хўжалик-молиявий фаолиятини солиқ маъмуриятчилиги орқали такомиллаштириш йўналишларини илмий асослаш;

- натижага асосланган солиқ ислоҳотларини амалга оширишнинг йўналишлари, босқичлари, вазифалари ва улардан кутилаётган самарани баҳолаш услубиётини тадқид этиш;

- эркин рақобат ҳамда рақамли иқтисодиёт шароитида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш;

- Ўзбекистон Республикасида корхоналарни солиққа тортиш амалиётига “давлат сиёсати самарадорлиги ва корхоналар солиқ мажбуриятларини оптималлаштириш тизими тадбирларининг мувофиқлаштирилиши” га асосланган янгича ёндошувни асослаш;

- фойда ҳамда ресурс солиқларининг корхоналар барқарор фаолиятини таъминлашдаги ўрта муддатли стратегик йўналишларини ёритиш.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида давлат ривожланиш платформасининг “натижага йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар”[1]га таяниши барча соҳолардаги каби солиқ тизими модернизациясининг ҳам аҳамиятини оширади ва бу орқали корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш йўналишларини асослашнинг аҳамиятини янада оширди.

“Натижага асосланган солиқ ислоҳотлари” тушунчасининг мазмуни айнан шу кўрсатмадан келиб чиқиб, солиқ тизими модернизацияси, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концептуал асослари, солиқ маъмуриятчилиги самарали воситаларини ҳаётга тадбиқ этиш орқали эришилиши лозим бўлган ижобий натижаларнинг босқичма-босқич таъминланишини англатади. Маълумки, солиқ ислоҳотлари - давлатнинг иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг самарали воситаларидан бири сифатида солиққа тортиш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий-

[1] Мирзиёев Ш.М. “2017 йил – шиддатли ислоҳотлар йили”. Т.: Адолат, 2017. -96 б.

назорат тизимини такомиллаштиришга асосланган чора-тадбирлари йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг тактик ва стратегик вазифалари аниқланиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Юртбошимиз томонидан миллий солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солиқ юкини оптимал белгилаш ва шу тариқа давлат бюджетини керакли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат.

Бугунги кунда “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари белгилаб берилди: иқтисодиётда солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш; солиқларни унификация қилиш йўли билан уларни мақбуллаштириш, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш; макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини мустаҳкам шакллантиришни таъминлаш; солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш; солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳавола қилувчи нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан, кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари миқдорларини белгилаш; хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш; солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш”[2].

Кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қатор мақсадлар, жумладан – “очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш; иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш; иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш

[2] 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.

орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш; “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш; валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш; иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш” кабилар қўйилганлиги ва ушбу мақсадларга эришиш учун қўйилган устувор вазифалар таркибида айнан солиқ сиёсатини такомиллаштиришга оид вазифаларни алоҳида таъкидлаш ўта муҳим аҳамият касб этади: “...фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши керак”.

Янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутади. Шу орқали иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин. Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иқтисодиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

Хуллас, “мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилингач, солиқ тизими модернизацияси амалга оширилиб келинмоқда ва бу шароитда давлатнинг самарали солиқ сиёсатини таъминлаш мақсадида “ҳалол (интизомли) солиқ тўловчиларни янада рағбатлантириш”, “даромадларни легаллаштириш ва “яширин иқтисодиёт” улушини камайтириш”, солиқ муносабатларида “солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг “ҳамкорликда ўсиш”га асосланган янги мулоқоти тизимига ўтиш”, “солиқ тизими ижтимоийлиги ва адолатлилигининг ўсиб бориши” каби мутаносибликларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш лозим” [3].

Эркин рақобат ҳамда рақамли иқтисодиёт шароитида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш аҳамиятининг ўсганлиги мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган фискал девальвация сиёсати билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда мазкур сиёсатни амалга оширишнинг бош омили сифатида - рақамли иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш шароитида ошиб бораётган эҳтиёж ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий мажбуриятлари ва кафолатларини тўлиқ молиявий таъминлаш мақсадида фискал базанинг эгри солиқлар ва асосан, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)га таянган ҳолда амалга оширилиши ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ҚҚС 42 та давлат солиқ тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур солиқнинг ушбу мамлакатлар давлат бюджетидаги улуши солиқ тушумларининг 13,8 фоизини ва ЯИМнинг 5,5 фоизини ташкил этмоқда[4].

[3]Азизов У.Ў. Изчил солиқ сиёсати – иқтисодий ривожланиш омили. «Ўзбекистонда ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга оширишда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. 6-б.
[4]https://nsu.ru/rs/mw/link/Media:/22260/3_Ilin.pdf

.

ҚҚС истеъмол учун ўрнатилган яхлит занжирсимон, кўп босқич(қадам)ли солиқ ҳисобланади. Қўп босқич(қадам)лилик товарга мулк хуқуқининг ҳар галги ўзгариши жараёнида товарларни солиққа тортишни англатади. Солиқнинг ундирилиши қисман тўловлар қилиш усулида амалга оширилади. Товар ҳаракатининг ҳар қайси босқичида тўловчи ўз харажатларини қоплайди ва янгидан яратилган қийматга солиқни қўшиб боради. Умумий якунда ҚҚСнинг барча суммаси якуний истеъмолчи (ҳақиқатдаги тўловчи) томонидан сотиб олинадиган товар баҳосига киради.

Шундай қилиб, моҳиятан, ҚҚСни юридик эмас, балки хақиқатдаги тўловчилар тўлайдилар. Мазкур тўловчилар бу жараёнда шу билан бир вақтда солиқларни йиғувчилар ҳам ҳисобланишади ва бу ҳолат давлат учун ўта самарали ҳисобланади. Товарнинг узлуксиз занжир давомида якуний сотилишига қадар ҳар бир сотувчи ҚҚСнинг йиғувчиси ҳисобланади. Бунда мазкур сотувчи ўз тушумидан товарларни сотиб олишда тўланган ҚҚСни чегириб ташлайди. Мазкур ҳолатда *ҚҚСнинг туб моҳиятига оид тамойил –ҳисобга олиш манбаси, яъни "олинган ҚҚС" мавжудлиги шароитида бюджет маблағлари ҳисобидан "тўланган ҚҚС"ни ҳисобга олиш хуқуқи* намоён бўлади. Айнан мана шунда *ҚҚС иқтисодий табиатидаги тизимли ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлилик* ифодаланади.

ҚҚСни қоплаб бериш (ҳисобга олиш)нинг мазмуни шундан иборатки, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида иш ҳақи, фоизлар, рента, фойда ва ишлаб чиқариш бошқа омилларини мазкур солиқ билан солиққа тортиш таъминланади. Сотувчи ўз ишлаб чиқариши учун товар сотиб олишда ҳеч қандай иқтисодий оғирликни бошидан кечирмайди, чунки унга товар етказиб берувчиларга тўланган ҚҚСнинг исталган суммаси давлат томонидан қоплаб берилади (ҳисобга олиш тизими). Мазкур механизмнинг туб мазмуни шундаки, ҚҚС охирги истеъмолчи зиммасига юкланилади. Товарнинг охирги истеъмолчиси товарнинг якуний, сотилиш баҳосининг бир қисми сифатида ҚҚСни тўлайди ва уни қоплаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҚҚС, истеъмол учун солиқ ҳисобланади ва унинг оғирлиги охирги истемолчи зиммасига тушади.

ҚҚС нинг солиқ базаси - товар ҳаракатининг кейинги босқичида юзага келувчи товарлар қийматининг бир қисмидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳар қайси бўғинида қўшилган қийматнинг ажратиб кўрсатилиши қуйидагиларга имкон беради:

1) Товар баҳосининг барча элементларини қатъий чегаралашга ва бу ишлаб чиқарувчига ишлаб чиқариш харажатлари таркиби хақидаги маълумотларни олиш имкониятини яратади;

2) Муҳим иқтисодий кўрсаткичларни макроиқтисодий режалаштириш ва таҳминлаштириш вазифаларини ҳал этишга, чунки ҚҚСни ҳисоблаш жараёнида давлат саноат ва савдо капиталлари айланувчанлиги суръатлари юзасидан маълумотларни олади;

3) Расмий Ҳукуматга товарларни аҳолига – ҚҚСнинг тўлиқ суммасини тўловчи ягона ва охирги истеъмолчига етиб боргунига қадар даромад олиш имкониятини беради.

Умуман, ҚҚСнинг ҳеч бўлмаганда учта алоҳида хусусиятларини таъкидлаш мумкин.

Биринчидан, солиққа тортиладиган айланмага илгари тўланган солиқ тўловлари суммалари киритилмайди (ҚҚСнинг илгари амал қилган “ставкаси товар ялпи қийматига товар ҳаракати барча босқичларига аккумуляция қилинган “каскадли” оборот солиғи” дан туб фарқи).

Иккинчидан, солиққа тортиладиган айланма ва ҚҚС товар баҳоси таркибида алоҳида-алоҳида ҳисоблаб борилади ва корхоналар ҳисоб-рақамларида акс эттирилади.

Учинчидан, солиққа тортиш жараёнига бутун айланма қамраб олинади, лекин бюджетга эса ҚҚСнинг маълум қисми, тўловчи томонидан товарни сотиб олиш баҳосига қўшилган қийматга мос қисмигина тўланади.

ҚҚСнинг ўта муҳим афзалликларидан бири сиёсий хусусиятдаги омил бўлмиш – Умумий бозорга қўшилишнинг зарур шарти сифатида қўйилганлигидир. Айнан ушбу омил Европа мамлакатларида ҚҚСнинг тез оммалашувига таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги ташкилоти аъзоси бўлган ҳар бир давлатда ушбу солиқ жорий этилган.

ҚҚСнинг ижобий жиҳатлари қаторида, бундан ташқари, унинг мамлакатдаги товар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизимидаги вазиятга нисбатан нейтраллигини ҳам таъкидлаш лозим. “Каскад самараси”га эга бўлган оброт солиғидан фарқли тарзда ҚҚС да товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар узлуксиз занжирида товарнинг ишлаб чиқарувчидан охирги истеъмолчига қадар ҳаракатида иштирок этувчи воситачилар сонига нисбатан индифферентлик ҳолати сақланиб қолинади.

ҚҚС товарни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида иштирок этувчи корхоналар аниқ ташкилий-хуқуқий шаклларига нисбатан ўзгармасдир. Бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолида маҳсулот қаерда: давлат ёки хусусий корхонада, йирик ёки майда фирмада ишлаб чиқарилганидан қатъий назар – ҚҚС ўзгармай қолаверади. Буларнинг ҳаммаси ресурсларнинг оптимал тақсимоти бозор омилларининг эркин ўйин шартида аниқланаётган мамлакатларда “тўғри”, “адолатли” солиқнинг муҳим фарқли жиҳати ҳисобланади.

ҚҚС нинг нейтраллиги товарни истеъмол қилиш даврига нисбатан ҳам (ҳоҳ у дарҳол истеъмол қилиш бўлсин, ҳоҳ истеъмоли бирмунча муддатга чўзилсин) намоён бўлади. Умумий тартибга кўра, ҚҚС жамғаришдан олинадиган фойданинг абсолют миқдорини камайтирсада, соф фойда нормасини камайтирмайди. Бошқа солиқлар эса, масалан, фойда солиғи соф фойда нормасини камайтиради. Ушбу мазмунда ҚҚС инвестицияларни, иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи солиқ ҳисобланади.